

Барҳаётлик белгиси

Мана, бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари Адиблар хиёбонида буюк ўзбек халқининг буюк адиби Абдулла Орипов сиймоси акс этган ҳайкал қошида жам бўлишган. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Сирожиддин Сайдов, истеъододли шоир Рустам Мусурмон ва профессор Қиёмиддин Назаровлар иштирок этишиб, давлат мадҳияси музаллифи Абдулла Орипов даҳоси ва закоси борасида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.



"Адабиётга яқинлашиш маърифат, маънавият, маданият билан ошна бўлиш демакдир", - дейди ТИҚХММИ Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р. Чориев. Ушбу хайрли ва маърифий мақсадни назарда тутган ҳолда, ташабbus билан чиқсан Президентимизнинг "Адабиёт халқининг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак" - дейишларида улкан мақсад, оммани илмга, китобга чорлаш ниятлари борлигини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам сўлим боғда жамулжам бўлган маърифат ва адабиёт дарғаларининг ҳар бири маънавиятнинг маёғи сифатида дилларни ёритади. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар бир олий таълим муассасасига улардан бири бириктирилган бўлиб, ўша таълим масканининг талабаларидан тортиб профессор ўқитувчиларигача белгиланган адабнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятига доир маълумотларни тўла ўрганиб тарғиб қилиши талаб этилади.



Институтимизда ҳам адабнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида йўл харитаси ишлаб чиқилиб шоир ижоди ва ҳаёт йўлига бағишлиланган кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар режалаштирилган. Жумладан, институтимизда Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишлиланган музей очиш, адаб ижоди ва ҳаёт йўлига бағишлиланган туркум онлайн-вебинарлар ташкил этиш, Абдулла Орипов туғилиб ўсган Қашқадарё вилояти Косон туманига талабалар саёҳатини ўюштириш, шунингдек, институтда Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва шу муносабат билан республика миқёсида конференция ташкил этиш, Абдулла Ориповнинг оила аъзолари билан яқин алоқа ўрнатиш ҳамда ҳужжатли фильм яратиш, Институтда "Абдулла Орипов издошлари" тўгарагини ташкил этиш, адаб номидаги стипендия жорий этиш, Қарши шахридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиш биз келгусида амалга оширадиган режаларимиз ҳисобланади. Бу каби ишлар институтда таҳсил олаётган ҳар бир талабанинг кўнглида адабиётга бўлган меҳрини оширишида, қолаверса миллатимизнинг буюк вакилларини яқиндан танишига маънавий ва маърифий кўприк бўлишини ҳеч ким инкор эта олмайди.

ТИҚХММИ матбуот хизмати